в эпосе, не отрицают и исторические источники.

В.Л.Егоров из всех городов прежней Приволжской Булгарии, которые остались нетронутыми во время похода Амира Темура 1395 года, указывает лишь два – Сарайшик на яике и город Сарай, первую столицу Белой Орды, и предпологает, что Амир Темур не тронул этих городов, видимо, от того, что к тому времени уже настала зима. Он, по всей вероятности, не тронул эти города лишь из желания остаться до конца верным данному им Едиге слову – отделить Ногайскую Орду от Тохтамысовых владений и передать ее своему подопечному союзнику (Едиге – А.К.).А раз история признает, что Амир Темур не тронул Едигеевой Орды, то попытки иных литеротуроведов и историков рассмотреть переход Едиге от службы Амиру Темуру к управлению своей собственной страной как «вероломство» совершенно неуместны. В этом отношении сам эпос значительно полнее и правдивее, чем исторические источники отражает эту историческую действительность:

Мой Едил и Яик,
Мой Чулман и Нократ,
Когда есть мои края, как вы,
Разлучившего вас со мной,
Разлучившего меня с вами,
Поработившего мой богатый народ,
Обрекшего на голод мой сытый народ,
Чтобы уничтожить Тохтамыса,
Чтобы вновь вернуть свою страну себе,
К тебе явился я, родная земля.

В такой именно форме повествуется в татарской версии эпоса об этих полных драматизма моментах из жизни Едиге.

Согласно каракалпакской версии эпоса, Сатемир, победив Тохтамыса и достигнув своих желаний, отделяет от Золотой Орды ту, противоположную сторону Едила (Волги), передает ее во владения Едиге и возвращается обратно в свою страну (Самарканд). В частности, это соответствует и исторической действительности. Эти деяния Сатемира способствовали не только тому, чтобы в 1386 году Тохтамыс взошел на Кипчакский престол, но вместе с тем это было его вкладом в то, чтобы после поражения Тохтамыса в 1391 году Едиге возвратился в страну Едил, стал править Ногайским улусом (мангитцами), а также это впоследствии окозало свое влияние на то, чтобы после последнего поражения Тохтамыса в 1395 годах большинство золотоордынских ханов, султанов и эмиров, в том числе и Едиге встал у кормила госудраства.

Таким образом, эти исторические факты показывают, насколько близки к исторической действительности образы героев и основные сюжетные мотивы из эпоса «Едиге». Это, в свою очередь, дает нам широкую возможность сделать вывод о том, что эпос «Едиге» является тем ценным литературно-истроическим наследием, которое зародилась на основе происходивших во второй половине XIV – начале XV веков в Золотой Орде и Ногайской Орде событий.

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада эдиге достонининг миллий вариантларида ўз ифодасини топган миллий истиқлол ғоясининг қиёсий типологик таҳлили берилган.

**РЕЗЮМЕ**

В данном статия даётся сравнительно-типологический анализ идеи национальной независимости, которая находит отражение в национальных версиях эпоса «Едиге».

**SUMMARY**

This report deals with comparative-typological analysis of the idea of national independence which is found in the national versions of the epos “Edige”.

## NAVOIY ME’ROJNOMALARIDA MUHAMMAD PAYG‘AMBAR OBRAZI
### («Sab’ai sayyor», «Saddi Iskandariy» va «Lison ut-tayr» dostonlari misolida)

**H.K.Allambergenov** – *filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori, dotsent*
**D.I.Shamsiyev** – *magistrant*
*Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti*

**Tayanch so‘zlar:** Alisher Navoiy, me’roj tuni, «Sab’ai sayyor», «Saddi Iskandariy», «Lison ut-tayr» dostonlari, Muhammad payg‘ambar obrazi.

**Ключевые слова:** Алишер Навои, ночь мераджа, дастаны «Сабаи саёр», «Садди Искандарий», «Лисон ут-таир», образ пророка Мухаммеда.

**Key words:** Ali-Shir Nava'i, night me’roj, epic poems «Seven Travelers» («Sab'ai Sayyor»), «Alexander's Wall» (Saddi Iskandari), «Lison ut-Tayr», The image of the Prophet Muhammad.

Turkiy adabiyotning buyuk yalovbardori, fusunkor qalam sohibi Alisher Navoiyning „Xamsa“ dostonlarining muqaddima boblari dastlab olamlar yaratuvchisi, mo‘min-musulmonlarni mag‘firat etguvchi – Allohimizga hamd va munojot bilan boshlanadi, undan so‘ng esa olamning yaratilishiga sababchi bo‘lgan zot – payg‘ambarimiz Muhammad (s.a.v.)ga madh, uning vasfi hamda Tangrining mo‘jizasi bo‘lmish me’roj kechasi ta’rifi kabi boblar bayoni bilan davom etadi. Doston boblarining aynan mana shu tartibda yozilishi Sharq adabiyotidagi o‘ziga xos badiiy an’ana bilan bog‘liqdir. Xususan, xamsanavislik tarixidan kelib chiqib yondashsak, oldingi salaflar: Nizomiy Ganjaviy, Xusrav Dehlaviy, Abdurahmon Jomiylar ham o‘z dostonlarini ushbu tartibda yaratganlarining guvohi bo‘lamiz. Navoiy ham mana shu an’anani munosib davom ettira oldi. Jaloliddin Rumiy hazratlari kitoblaridan jumla keltirib o‘tsak: „Yaratiqlar uch qismga bo‘linadi. Birinchisi: malaklar. Bular nuqul aqldirlar. Ibodat, qullik va zikr fitratlarida bor… Malaklar shular asosida yashaydilar. Ikkinchisi hayvonlar sinfi. Bular nuqul shahvatdan iborat. Ularni yomonlikdan qaytaruvchi aqllari ham yo‘q. Uchinchisi: aql va shahvatdan tashkil topgan zavolli insondir. Ustiga-ustak, inson uchun taklif bor (ya’ni tanlash imkoni – *tarj.*), hayvon va malaklar uchun bu – istisno edi… Ana shu tarzda doimiy jang barhayot. „Aqli shahvatidan ustun kelgan kishi malaklardan afzal, shahvati aqlidan g‘olib chiqqan kimsa esa hayvondan tubandir (hadis)“. [4:106] Hadisda aytilganidek, yuqorida keltirilgan mutafakkirlarimiz malaklardan ustundirlar. Ular jamiyatga, kelajak avlodga ulkan badiiy me’ros qoldira oldi. Shu ma’noda, doston-u devon tuzish an’anasi, ularning tuzilishi tarkibi keyingi davr ijodkorlarining asarlarida ham yangi talqinlarda, yangi joziba va ohang bilan davom etdi. Shular qatorida Alisher Navoiy ham ustoz adiblarning badiiy asar, uning muqaddima qismlari borasidagi talqinlarini yuqori bosqichga olib chiqa oldi. Bunda „Xamsa“ tarkibidagi dostonlarning hamda „Lison-ut tayr“ dostonidagi me’rojnoma boblarining alohida o‘rni bor.

Shoir me’roj tuni ta’rifining badiiy talqiniga bag‘ishlangan boblarda bu kechaning ulug‘ fazilatlari va undagi voqelarni badiiy yoritish jarayonida islomiy qarashlar va hadislarga tayangan holda Allohning kalomi bo‘lmish Qur’oni Karim oyatlaridan ham misollar keltiradi, qarashlarini faktlar bilan dalillab boradi.

Biz Navoiyning badiiyatga yo‘g‘rilgan, me’roj kechasi yoritilgan boblarda payg‘ambarimiz (s.a.v.) tasvirlari, u kishining me’rojnomalardagi o‘xshash va o‘zgacha ta’riflarini qiyoslab o‘rganamiz. Bilamizki, me’roj kechasida Muhammad (s.a.v.) Jabroil (a.s.) hamrohligida Buroq oti yordamida samoga ko‘tarilib, Alloh huzurida bo‘lib qaytganlar.

Navoiy **„Sab’ai sayyor“ dostoni me’rojnomasida** ham payg‘ambar (s.a.v.)ning bu mo‘jizaviy kechadagi samoga ko‘tarilish, sayyoralarni kechib o‘tish hamda Haq bilan ko‘rishish holatini badiiy bo‘yoqlarda go‘zal tasvirlaydi. Shoir me’rojnomaning kirish qismida payg‘ambarga „dashtlarni kezuvchi musofir“ hamda „samoni kezuvchi otliq“ deya ta’rif beradi: *„Ul musofiri bavodiypaymo, balki ul rokibi samo-votpaymo me’roji kechasining ta’rifikim,…“* [2:12] Ushbu ta’rifning berilishi payg‘ambarning Buroq otiga minib samoga ko‘tarilishiga ishoradir. Me’roj tuniga bag‘ishlangan ushbu IV bob voqealari tunning tasviri bilan davom etar ekan, bu kechada payg‘ambarning manzili barcha dostonlar xos bo‘lgan „Ummahoniyning uyida edi“ degan an’anaviy ma’lumotni ham uchratamiz. Biz yuqorida tadqiq etgan dostonlarda ham bu kabi ma’lumotni keltirib o‘tgan edik:

Bo‘yla tun ul mahi muniri jahon,
Ummahoniy uyida erdi nihon.

Ma’nosi: „Ushbu tunda jahonning porloq oyi Ummahoniyning uyida erdi“. Baytda shoir payg‘ambarni „porloq oy“ deya ta’riflaydi. Ushbu tasvirdan so‘ng payg‘ambar huzuriga Jabroil (a.s) Haqning xabarini yetkazish uchun yetib keladi. Navoiy bunda payg‘ambarni „xoja“ deya ta’riflaydi:

Chun alar yetti, xoja ochti ko‘z,
Yer o‘pib qosid, ayta boshladi so‘z,

Haqning xabaridan voqif bo‘lgan payg‘ambar elchi hamda samoviy Buroq oti yordamida yetti sayyorani hamda sakkizinchi osmondagi burj yulduzlarini kechib o‘tadi. Shu bilan birga Allohning yaratiqlari sanalmish Kursiy, Arsh, Lavh va Qalam, Lomakon va (yakka o‘zi) Rafraf manzillaridan o‘tadi. Bunda payg‘ambarning o‘zligidan kechishi, nafaqat o‘zligidan, balki barcha tomonlardan xoli bo‘lgan holda Haq vasliga yetishi bayoni keltiriladi. Yuqorida tahlil etilgan me’rojnomalar singari, ushbu doston me’rojnomasida ham payg‘ambarning Haqdan tilagani o‘z ummatining gunohlarini afv etish bo‘ladi:

Istabon ummati gunohlarin,
Oq tilab nomai siyohlarin,
Bo‘lmay ul hojatiga sharmanda,
Karam aylab borini baxshanda.

Navoiy Allohning o‘z sevimli bandasi Muhammad (s.a.v.)ning barcha tilaklarini ijobat etishini yoritar ekan, bob xotimasida Haq karamidan bahramand bo‘lgan bashariyat orasida o‘zining ham bo‘lishiga shubha keltirmaydi:

Bo‘lsa jinsi bahsarg‘a buyla karam,
Shake mas andadur Navoiy ham.

„Xamsa“ning beshinchi ganji bo‘lmish „Saddi Iskandariy“ dostonining IV bobini Navoiy payg‘ambarimiz (s.a.v.) me’roji vasfiga bag‘ishlaydi va bob mavzusining o‘zidayoq payg‘ambarni „balandparvoz Humoy“ deya ta’riflab, ushbu kechaning Alloh mo‘jizasi ekanligiga shubha qoldirmaslik maqsadida Qur’oni Karim oyatlaridan dalil sifatida iqtobos keltiradi: *„Ul <u>humoyi balandparvoz</u> tayronning sur’ati ta’rifidakim, me’roj shabistonida ko‘z nargisi bila ko‘ngli g‘unchasi <u>„mozog‘al-basaru va mo tag‘o“</u> jo‘yboridin shodobdurur va taqarrub ayvonida muqavvas qoshlari <u>„qoba qavsayni av adno“</u> e’tiboridin bahrayob“.*

Alloh kalomi sanalmish Qur’oni Karimning Najm surasida Muhammadning (s.a.v) me’roj kechasida Haq bilan ko‘rishgani aytiladi. Shoir bu kechaning ta’rifida Najm surasining 17- hamda 9-oyatlaridan keltirib o‘tadi. Doston me’rojnomasida voqealar baxtiyor qorong‘u kecha ta’rifi bilan davom etadi va payg‘ambar quyosh kabi xalqdan yashiringanday, Ummahoniy hujrasida qo‘nim topgani aytiladi:

Quyoshdek ulusdin nihoniy bo‘lub,
Yeri hujrai ummahoniy bo‘lub.

Ba’zi rivoyatlarda ham shunga o‘xshash ma’lumotlar keltiriladi, ammo biz ushbu ma’lumotni ishonchli deb bilmasligimiz kerak, bizdagi nasriy tabdillarning hech birida ushbu baytning mazmuni keltirilmaydi, chunki Imom Buxoriyning sahih hadislaridan bu haqida ma’lumot keltirib o‘tgan edik. Alisher Navoiy ham keyingi baytlarda bu haqida shunday deydi:

Chu otlandi rokib, nechukkim daraxsh,
Burun surdi Baytul-haram uzra raxsh.
Yana po‘yada qo‘ydi Aqsog‘a yuz,
Ne Aqsog‘a yuz, charxi a’log‘a yuz.

Demak, payg‘ambar dastlab Baytul-haram, so‘ng Buroq oti-yu Jabroil alayhissalom hamrohligida Masjidul Aqsoga borib, samoga ko‘tariladilar. Navoiy „Hayrat-ul abror“ dostoni me’rojnomasida ham bu kabi ma’lumotni badiiylikka yo‘g‘rilgan holda ochib beradi. Buning asosi esa Qur’oni Karim bo‘lib, Isro surasining 1-oyatida ravshanlanadi. Shoir bunday ulug‘ voqeani tasvirlar ekan, albatta, Islom dinining muborak kitobiga tayanib, badiiy sayqal beradi, nazmda yoritadi. Bob voqealari an’anaga muvofiq davom etadi – payg‘ambar hamrohi va Buroq oti bilan birgalikda yetti sayyora, o‘n ikki burj yulduzlari hamda Arsh, Kursiy, Lavh va Qalam, Lomakon, (yakka o‘zi) Rafraf manzilini bosib o‘tadi. Navoiy Rafraf manzilida payg‘ambar holatini quyidagicha tasvirlaydi:

„… Borar ekan, unga na to‘rt asl (suv, havo, tuproq, o‘t) hamrohlik qilar, na olti tomondan xabardor edi. Uning ko‘nglidan hamma narsa ko‘tarilgan, butun qalbi oshiqlik bilan band edi. Yo‘l-yo‘lakay ustki libosi va boshidagi shuhrat tug‘ini yechdi. Uning butun vujudini yo‘qlik g‘ubori sog‘inchga aylantirib yuborgani natijasida borlig‘-u yo‘qlikdan ko‘ngli osoyishta edi“. [3:23]

Mana shunday o‘zgacha bir holatdan so‘ng payg‘ambar Alloh visoliga yetadi. Navoiy bu tasvirning bayonida ham aniq dalil sifatida Qur’oni Karim oyatlaridan iqtibos keltiradi:

Yorub vasl xurshididin ayn anga,
Muayyan bo‘lub <u>qobi qavsayn</u> anga.
Taallumg‘a yetmay <u>„shadidul-quvo“,</u>
Ko‘zi topti <u>„mo zog‘“</u>, o‘zi <u>„mo tag‘o“</u>,
Necha ikilik naqshi nobud o‘lub,
Bir-o‘q vahdati sirf mavjud o‘lub.

Shu o‘rinda ayrim birikmalarininig ma’nolarini sharhlab ketsak. **Qobi qavsayn –** „Ikki kamon miqdoriday joyda bo‘ldi. Balki undan ham yaqinroq keldi“, deganidir (Najm surasining 9-oyatida keladi). **Shadidul-quvo** – „Unga shiddatli quvvat egasi o‘rgatdi“, deganidir (Najm surasining 5-oyatida keladi). **Mo zog‘al-basar-u va mo tag‘o** – „Nigoh burilmadi ham, haddidan oshmadi ham“ degani (Najm surasining 17-oyatida kelgan).

Ya’ni, payg‘ambarga vasl bulog‘i nasib etdi va eng oliy maqomga ega bo‘ldi. U o‘rganishga yetmasdan, Allohning o‘zi unga o‘rgatdi. Payg‘ambarning nigohi faqat Allohda bo‘lib, o‘zi ham haddidan oshmadi. Bunda ikkilik nobud bo‘lib, faqat birgina tanholik jafosi hosil bo‘ldi.

**„Saddi Iskandariy“ dostoni** me’rojnomasida payg‘ambarning Haqqa o‘z tilagini bildirishi bayoni keltirilib, boshqa doston me’rojnomalaridan farqli ravishda ummatining gunohlarini kechirishligini so‘rash bila n birga, xalqning osoyishtaligini, tinchligini ham so‘raydi va barcha tilaklari ijobat bo‘ladi:

Ko‘rub bahri g‘ufronni chun mavjnok,
Tilab osiy ummat gunohini pok.
Bu maqsudini arz qilg‘on zamon,
Talab birla topmoq bo‘lub tav’ amon.

Shu tariqa, payg‘ambarning mana shunday ulug‘ hodisadan so‘ng, shon-shuhratga to‘la holda ortga qaytishi tas-

virlanadi. Bunda Navoiy hamrohi va Buroq oti yoniga qaytgan payg'ambar (s.a.v)ni Ahmad ismi bilan ulug'laydi. Bu nom Muhammad (s.a.v)ning ismlaridan biridir:

Aning shavkatin beadad topib,
Necha Ahmad istab Ahad topib.

Bunda hamrohlari Ahmadni istaganlari bayon etiladi. Navoiy bu ismni keltirishiga sabab, Muhammad (s.a.v) payg'ambarning eng ulug' ismlaridan biri bo'lib, Allohga juda ko'p hamd aytuvchi ma'nosini bildiradi. Qur'oni Karimning Ashr surasida ham Alloh Ahmad ismini keltirib o'tadi.

Alisher Navoiy **„Lisonut-tayr“ dostoni**ning IV bobini me'roj kechasi ta'rifiga bag'ishlaydi. Me'roj tuni ta'rifiga bag'ishlangan ushbu bob boshqa dostonlardan jiddiy farqlanadigan holda butun asar mazmuniga hamohang ruhda quyidagicha nomlanadi: *„Ul risolat qofi anqosining balandparvozligi va mahbubi haqiqi vaslig'a yetib qush tili bila takallum va hamrozlig'i“* [4:15]. Bu yerda anqo – arabcha, „oti bor, o'zi yo'q afsonaviy qush (go'yo qushlarning podshohi bo'lib, Ko'hi Qof tog'ida yashar emish), qof – butun yer yuzini o'rab olgan, deb xayol qilingan afsonaviy tog' nomi (afsonaviy *anqo* qushi ham shu tog'da deyiladi)ni bildiradi. [6] Doston, avvalo, Hudhud boshchiligidagi o'ttiz qushning adolatli Semurg'ni izlab yetti vodiyni kezishlari yoritilgan majoziy xarakterdagi asardir. Shoir shunga ishora qilib, rasulullohni „payg'ambarlar qofi anqosi“, deya ta'riflaydi. Anqo afsonaviy qush sanalib, barcha qushlarning podshohi va manzili Ko'hi Qof tog'ida ekanligi haqida rivoyatlar bor. Bundan kelib chiqadiki, Navoiy Muhammad (s.a.v)ni barcha payg'ambarlarning boshi, ulug'i demoqchi go'yo. Haqiqatdan ham, Muhammad (s.a.v)ning me'rojga ko'tarilishidan oldin barcha payg'ambarlarga boshchilik, imomlik qilib Masjidul Aqsoda namoz o'qishi haqida „Tarixi Muhammadiy“ asarida Alixonto'ra Sog'uniy „Sahih Buxoriy“ga tayangan holda ma'lumotlar keltiriladi: „Jabroil alayhissalom Payg'ambarimizni shu Buroqqa mindirdi. Oldinlarida o'zi yo'l boshlab yurib, xiyol o'tmay Masjidul Aqsoga yetdilar. Ul joyda Ibrohim, Muso, Iso alayhissalom boshliq barcha Payg'ambarlar kutmoqda edilar. Buroqdin tushib, o'tgan Payg'ambarlar bog'lamish halqaga ani bog'ladilar. So'ngra Rasululloh Masjidul Aqsoga kirib qarasalar, barcha Payg'ambarlar hozir ekanlar. Alarning talablaricha Payg'ambarimiz imom bo'lib, ikki rakat namoz o'qidilar“ [1:50].

Barcha me'rojnomalar kabi bunda ham payg'ambar Alloh xabarini yetkazuvchi Jabroil (a.s.) kelishidan oldin Ummahoniy hujrasida ekanligi haqida bayt keltiriladi:

Ummahoni hujrasida erdi xush,
Dahri dun ashg'olidin osudavash,
Kim yetishti olig'a ruhul amin,
Arz etib payg'omi rabbil olamin.

Buroq oti hamda hamrohi bilan birgalikda yetti sayyora va burj yulduzlari, Arsh, Lavh va Qalam, Lomakon maydonlarida javlon qilgani, keyingi Rafraf maydonida yakka holda o'zligidan kechib ilgarilagani va yetmish ming qavat hijob ko'tarilib Allohning visoliga erishgani bayon etiladi. Alloh bilan vahdat ko'rishish bayonida shoir Qur'oni Karimdan iqtibos keltiradi:

Lima'ulloh ostonin yotonib,
Qoba qavsayn ittihodin qozg'onib.
Lo bila mo'ne ham o'zdin solibon
Bu soling'och ne qolur ul qolibon.
Yorutub aynini mozog'albasar,
Raf' o'lub andeshai fayyulnazar.

Bunda payg'ambar Haqdan ummatining gunohlarini istash bilan birga, xalqning xarob ahvolga tushub qolmasligini ham tilaydi. Va barcha tilaklari ijobat bo'lgan holda ortga qaytadi:

Osi ummat gunohin istabon,
Borcha ahvoli tabohin istabon.

Navoiy payg'ambarning borishini „kamyob dur“ga qiyos etsa, Haq oldidan qaytishini „Chuqur daryo“ga qiyoslaydi.

Merojnomalar tadqiqi jarayonida biz Muhammad payg'ambar obrazining turli sifatlar va nomlar bilan keltirilganining guvohi bo'lamiz. Buni quyidagi jadval misolida ham ko'rishimiz mumkin:

| Navoiy dostonlari | Muhammad (s.a.v.) ta'riflari |
|---|---|
| «Hayrat ul-abror» dostonida | «Sarv daraxti», «shavqli sirlarning xazinasi», «g'uncha» – «toza guliston», «Zarra» – «porloq quyosh», «payg'ambar», «ochiq yuzli» |
| «Farhod va Shirin» dostonida | «Shahsuvor», «Allohning oshig'i», «olamni yurituvchi chirog», «Arsh tojining duri», «ma'nolar xazinasi», «tojga loyiq dur» – «mavjlangan dengiz», «g'uncha» – «gulshan» |
| «Layli va Majnun» dostonida | «Samoviy musofir», «baxtiyor iltijo qiluvchi», «osmondagi quyoshi», «osmondagi oy», «sirdosh» , «oy» -«porloq quyosh», «dur» - «durlar to'la ummon», «bir dasta atirgul» -«chamanzor bahor fasli» |
| «Sab'ai sayyor» dostonida | «dashtlarni kezuvchi musofir» - «samoni kezuvchi otliq», «porloq oy», «Xoja» |
| «Saddi Iskandariy» dostonida | «balandparvoz Humoy», «Ildamqadam sayyoh», «suvoriy», Ahmad |
| «Lison ut-tayr» dostonida | «Martabasi falakka yetadigan shoh», «Allohga joni bilan yaqin zot», «kamyob dur», «Chuqur daryo» |

Xulosa qilib aytganda, Alisher Navoiy o'z me'rojnomalarida payg'ambarimiz Muhammad (s.a.v) siyratlarini, holatlarini nihoyatda go'zal, nozik tuyg'ularda badiiy-falsafiy jihatdan yoritib beradi. Har bir jumlani tahlil etishda ko'plab manbalardan foydalanish, ularni qiyoslash, tasavvufga yondashish o'rinli sanaladi.

## Adabiyotlar


1. Alixonto'ra Sog'uniy. Tarixi muhammadiy. – Toshkent, 2007.
2. Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.
3. Алишер Навоий. Садди Искандарий (Насрий табдил). – Тошкент, Янги аср авлоди, 2021.
4. Алишер Навоий Лисонут-тайр (Қуш тили). – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.
5. Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадур. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2021.
6. Навоий асарлари луғати. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.



**REZYUME**

Mazkur maqolada Alisher Navoiyning „Sab'ai sayyor“, „Saddi Iskandariy“, „Lison ut-tayr“ dostonlaridagi Sharq xalqlari adabiyotida mavjud bo'lgan me'roj kechasi ta'rifiga bag'ishlangan an'anaviy motiv va undagi Muhammad payg'ambar obrazining o'ziga xosligi masalasi tahlil qilingan.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье анализируется традиционный мотив, посвященный описанию ночи мераджа, существующей в литературе Восточных народов, и особенности образа пророка Мухаммеда в дастанах Алишера Навои «Сабаи саёр», «Садди Искандарий» и «Лисон ут-таир»а.

**SUMMARY**

This article deals with the traditional motive of Ali-Shir Nava'i epic poems “Seven Travelers”, “Alexander's Wall”, “Lison ut-Tayr” in the literature of the peoples of the East and the Prophet Muhammad. the question of the specificity of the image is analyzed.

# ҚАРАҚАЛПАҚ ЭПОСЛАРЫНЫҢ СЫРТ ЕЛ АЛЫМЛАРЫ ТӘРЕПИНЕН ҮЙРЕНИЛИЎИНИҢ ЖАҢА БАСҚЫШЛАРЫ

**Г.К.Алламбергенова –** *еркин излениўши, стажёр оқытыўшы*
*Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты*

**Таянч сўзлар**: чет ел олимлари, ўрганишнинг ва тадқиқотнинг асосий илмий аспектлари: достонлар генезиси, жанрий хусусиятлари, поэтика, сюжет мотивлари ва қатламлари, қаҳармон образ ива тарихий ҳақиқат, миллий хусусиятлар.

**Ключевые слова:** зарубежные ученые, основные научные аспекты изучения и исследования: генезис эпоса, жанровые особенности, поэтика, сюжетные мотивы и пласты, героический образ и историческая действительность, национальные особенности.

**Key words:** foreign scholars, main scientific aspects of study and research: genesis of epics, genre features, poetics, plot motives and layers, heroic image and historical reality, national features.

Халық аўызеки дөретпелеримиздиң усындай ҳәр тәреплеме рәң-бәреңлиги, өзине тәнлиги, тәжирийбеге бай екенлиги, миллий қаҳарманларымыздың қайталанбас келбети ҳәм характери, атқарыўшылардың бийтәкирар қәбилети сырт ел алымларының итибарын тартпастан қалмайды. Мысал ретинде көплеген шет елли илимпазлар халкымыз тарийхы, мәдeнията ҳәм фольклорын үйрениў ҳәм изертлеў тилегин билдиреди. Әзербайжанлы алым Низами Мәмедов (ҳәзирги фамилиясы Тагисой) қарақалпақ ертеклерин әзербайжан тилине аўдарды. Бул мийнет «Қарақалпақ нагыллары» атамасында 2 том түринде басылып шықты. Ол өз изертлениўиниң жуўмағы сыпатында 2007-жылы «Каракалпакская литература» атлы мийнетин жәриялады. Китапта қарақалпақлардың ертедеги тарийхы ҳәм бүгинги турмыс-тиришилиги, Кавказ, Европа халықлары менен байланысы ҳаққында қызықлы дәреклер келтирилген. Ҳәзирги ўақытта әзербайжанлы тағы бир алым Шәбнем Мәдемова қарақалпақ фольклорының изертлениўи бағдарында докторлық диссертация үстинде жумыс ислемекте. Қарақалпақ ертеклерин Европа халықлары тиллерине аўдарыў бойынша норвегиялы илимпаз Руар Льюекшел де излениўлер алып бармақта. Сондай-ақ, жерлесимиз Қуўатбай Өтегеновтың аўдарыўындағы қарақалпақ ертеклери Канада мәмлекетинде инглис тилинде басылып шықты ҳәм дүнья жүзиндеги ертек изертлеўшилерине баспа рекламалары арқалы мәлим етилди.

Германиялы алым Карл Райхл көп жыллардан берли қарақалпақ дәстанларын изертлеў ҳәм аўдарыў менен шуғылланбақта. Алым ийгиликли иске қарақалпақ жас фольклоршы алымларын тартып, дәслеп бирнеше жыл усы жерде бирге ислести, соңынан Бонн қаласында да болып, текстлерди транскрипциялаў, дурыс аўдарыў мәселесинде жақыннан жәрдем берди. Усы жумыслардың нәтийжеси сыпатында «Едиге» дәстаны Финляндия мәмлекетиниң пайтахты Хельсинки қаласында инглис тилинде 2007-жылы басылып шықты. «Қоблан» дәстанының да аўдармасы исленип шығылды. Булардан тысқары, алым «Шәрияр» дәстаны ҳәм де «Гөруғлы» дәстанының қарақалпақ версиясы бойынша да изертлеў жумысын жазбақта ҳәм бул мәселеде конференцияларда баянат исследи. К.Райхл қарақалпақ фольклоры үлгилерин аўдарыў исине Нөкисли жас фольклоршы алым Амирлан Сейдин Елсүйер улы, шымбайлы Эльмира Зиятдинова ҳәм Қанлыкөлли Зылыйха Тилеўовалар да қатнасты ҳәм булардың ишинде соңғы еки жерлесимиз Германияда докторлық диссертацияларын жақлап қайтты.

Қарақалпақ халық аўызеки дөретпелерин аўдарыў ҳәм изертлеў жумыслары Түркия мәмлекетиниң бир неше министрликлери, илимий орайлары менен жоқары оқыў орайларында жобалы түрде алып барылмақта. Олардың қатарына Түркия мәдeнията ҳәм туризм министрлиги, Түркий дүнья мәдeнияты, Халық мәдeнияты изертлеўлер аўҳамы, Анкара, Ғазы, Фират, Эге, Мимар Синан сәният, Сакария, Муғла, Памыққала университетлери ҳәм басқа да илимий-мәдений мекемелер бар. Усының ишинде Теңизли қаласында жайласқан Памыққала университети изертлеўшилери тәрепинен қарақалпақ фольклоры үлгилери бойынша жигирмаға жақын илимий жумыслар исленди. Бул илимпазлардан Исмайыл Гөкче-қарақалпақ жумбақлары Айшегүл Имез ҳәм Беҳийе Кафа қарақалпақ нақыллары, Сезгий Балжы қарақалпақ аңызлары ҳәм анекдотлары, Себел Долы «Йусуп Зылыйха», Окан Аккая «Жәҳанша», Осман Аталай «Ер Зийўар», Әлий Четин «Дәўлетярбек», Ишилай Дорғы ҳәм Әўрен Өздамарлар «Кырық қыз» Шәбнем Дөнмез «Қайшайым ҳәм Қурбанбек», Умрән Эрдемир ҳәм Яшар Гэзгел «Едиге», Бәкийе Қараүез «Алпамыс», Айше Саўран «Қоблан», Фәйиза Тургут «Йусуп-Ахмет», Четин Ялчын «Мәспатша», Арапат, Йыртыжы «Ҳүрлиҳа-Ҳәмре», Суна Акар «Мунлық-Зарлық» дәстанларының вариантлары бойынша аўдармалар ислеў менен бирге, бул дөретпелер бойынша илимий жумысларын жақлады. Ал, қарақалпақ фольклорының жыйналыўы жәрияланыўы ҳәм изертлениўи бойынша излениў жүргизген Пинар Дөнмез «Қарақалпақ эпсаналары» темасында докторлық диссертациясын жақлап шықты. Оның илимий жумысында тек эпсаналар емес, мифлер, рифлер, аңызлар, аўызеки гүрриңлер ҳәм басқа да жанрлар қамтылған ҳәм Түркия түркшесине аўдарылған. Қарақалпақ әдебиятын ҳәм фольклорын нәсиятлаўдың басында ҳәм изертлеў жумысларына басшылық етиўде Ирфан Насыратдиноғлы, Жәйҳун Уйғыр, Яшар Калафат, Фикрет Түркмен, Ахмет Ташағыл сыяқлы дүньяға белгили алымлар пидайылық пенен хызмет етти. Бул илимпазлардың өзлери де ўақтында қарақалпақ тили ҳәм әдебиятын, үрип-әдетлерин үгит-нәсиятлаў менен шуғылланып, қарақалпақ филологиясы бойынша докторлық диссертацияларын жақлаған. Мәселен, И.Насратдиноғлы Бердақ шығармаларын, Ж.Уйғыр «Қырқ қыз» дәстанын, Я.Калафат қарақалпақ ырымларын аўдарған болса, Ф.Түркмен қарақалпақ дәстантаныўшылары ҳаққында мийнетлер жазды ҳәм энциклопедиялық мағлуматлар ушын қарақалпақлар туўралы материаллар таярлады. Соны да еслетиўимиз лазым, соңғы ўақыяларда Түркия мәмлекетинде оқып ҳәм илимий жумыслар алып барып атырған қарақалпақ жаслары да миллий мәдениятымызды, фольклорымызды дүнья халықларына жақыннан танытыўға өз үлеслерин қоспақта.

Қарақалпақ фольклоры ҳәм мәдениятын үгит-нәсиятлаўда Францияның экс-президенти Жак Ширактың да орны гиреўли. Ол дүньяда алдыңғы қатарда турыўшы, өзи шөлкемлестирген виртуаль музейине халкымыздың үрп-әдетлерин, аўызеки көркем дөретпелерин сәўлелендириўши аудио ҳәм видиоматериалларды жайластырды. Усы жумыслардың даўамы сыпатында канадалы илимпаз Фредерик Леотар қарақалпақ фольклоры материалларын Канада, Франция, Норвегия мәмлекетлеринде китап, диск түринде шығарды ҳәм дүньяның ең абырайлы журналларында өз илимий мақалаларын жәриялаўға миясар болды. Қарақалпақ фольклоры алымлары Ф.Леотар менен бирге ислесиў дәўиринде тек Арал бойы халықларының ғана фольклор үлгилерин емес, ал, Бухара, Түркстан қарақалпақларының да аўызеки дөретпелерин, салт түрлерин сәўлелендириўши

дэреклерди жазып алды ҳәм оларды Орайлық Азияны изертлеў бойынша Француз институты (IFEAR), Францияның мәмлекетимиздеги елшиханасы, Париж мәдений орайы, Канаданың Альберта университети, ЮНЕСКО шөлкеминиң ўәкилханаларына ҳәм басқа да усы бағдардағы мәкемелерге қолжазба ҳалында, аудио-видео материаллар түринде тапсырды.

Улыўма, Ф. Мотрдың бул ислери қара эпосларына байланыслы музыка фольклорын жақын сырт еллерге таныстырыўды үлкен табыслы қәдемлерден болды.

Бул бағдарда 2003-жылы Нөкисте откерилген «Түркий тиллес халықлар фольклорында халық көркем өнери» атамасында өткерилген халықаралық конференция да айрықша хызмет атқарған факторлардан болғанлығын атап өтиў орынлы. Айрықша Германиялы алым, Бонн университети профессоры Карл Райхлдың «Едиге» ҳәм басқа да қарақалпак халык дастанларынын өзгешеликлери ҳаққында жасаған баянаты илимий жәмийетшиликте үлкен қызығыўшылыклар оятты.

Карл Райхлдын қарақалпақ эпосларын сырт еллерге таныстырыў да буннан да басқа хызметлери көп ҳәм орны гиреўли, әлбетте, бул мәселе өз алдына сөз етиўди талап етеди.

Улыўма, бул илимий –теориялық конференцияда жасалған баянатлар, менен шығып сөйлеўде ортаға тасланған пикирлер сырт ел алымларына қарақалпақ дәстанының, жыраўшылық өнериниң сағалары жүдә ерте дәўирлерге барып ушласатуғынлы, оның рәңбәрең түр ҳәм мазмунларға ийе екенликлери менен бирге, қарақалпақ халқының әййемнен эстетикалық талғамы жоқары дәрежеде раўажланған мәдениятлы, билимли халық екенлигине және бир мәртебе үлкен исенимлер пайда етти.

Усы орында және бир айта кететуғын факт кейинги он жыл даўамында түркий дүнья халықларына өз мәмлекетин «Мәдиярстан» атамасы менен таныстырып киятырған мажарстанлы ямаса венгриялы изертлеўшилер де қарақалпақ халқының мәденияты ҳәм фольклоры менен қызықсына баслады. Усы мақсетте Венгрия мәдeният министрлигиниң ўәкиллери, илимпазлар үлкемизге келип, қарақалпақ атқарыўшыларының өнерлери менен танысты ҳәм миллий фольклорымыздағы соңғы жаңалықларды пүткил Европаға таныстырды. 2012-жылы Мәдиярстан мәмлекетинде өткен Туран қуралтайына қарақалпақ делегациясын да шақырды ҳәм бизиң фольклорлық материалларымызды бағдарламаға енгизди. Сол жерде жас талант ийелери Саламат Аяпов «Алпамыс» «Едиге» дәстанларын жырлаған болса, Зәмийра Әлиева «Қырық қыз» дәстанынан Гүлайым образын сахнада көрсетти. Ең баслысы, халқымыздың өзлиги, мәденияты ҳәм бай фольклоры менен қызығыўшылар қарақалпақ тилин үйрениўге айрықша инта биилдирип, жәрдем бериўлер соралды. Сол тийкарда Мәдиярстанға қарақалпақ тилиндеги сабақлық, әдебият ҳәм басылымларды жеткизип берилди ҳәм айырым материаллардың электрон варианларын усынылды. Нәтийжеде бир неше жылдан берли Венгрияның ең белгили Сегед университетинде қарақалпақ тили курсы оқытылмақта. Усы илимий дәргайдағы излениўшилер де иси менен шуғылланбақта.

Соны да айтпақшымыз, тек усы көрсетилген орынларда ғана емес, соңғы ўақытларда кореялы, япониялы, ираклы, кипрли, швециялы изертлеўшилер де қарақалпақ фольклорын изертлеў, халық тарийхын үйрениўге кең кеўил аўдармақта.

Жуўмақлап айтқанда, сырт ел алымларының қарақалпақ фольклорына соның ишинде эпосларына болған интенсив рәўиштеги бул қызығыўшылықлары өз гезегинде қарақалпақ халқының бай қәдириятларға ийе екенлигиниң, соның дүньяда тән алынғанлығының ҳәм тарийхының мыңмың жыллықларға ушласатуғынлығының, миллер руўхының мәңги жасайтуғынлығының, улығлана беретуғынлығының нышаны.

**Әдебиятлар**


1. Боровков А.К. Вопросы изучения тюркоязычного эпоса народов Средней Азии и Казахстана. / «Вопросы изучения эпоса народов СССР.- Москва: Изд. АН СССР, 1958.
2. Мақсетов Қ. Қарақалпақ фольклористикасы. – Нөкис: «Қарақалпақстан», 1989.
3. Райхль К. Тюркский эпос: традиции, формы, поэтическая структура (перевод с немецкого В. Трейтер). –М.: Восточная литература, 2008.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада «Қоблан» достони мисолида қорақалпоқ эпосларининг чет эл олимлари томонидан ўрганилган асосий илмий аспектлари кенг таҳлил қилинади. Шунингдек, ушбу солиштирма-типологик тадкиқотларнинг қорқалпоқ эпосларининг чет элларда ўрганилиш тарихида тутган ўрни ишончли илмий-назарий фактлар асосида белгилаб берилади.

**РЕЗЮМЕ**

В статье проводится подробный анализ основных научных аспектов каракалпакского эпоса, изучаемых зарубежными учеными на примере эпоса «Едиге». Также на основе достоверных научно-теоретических фактов будет определена роль данных сравнительно-типологических исследований в истории изучения каракалпакского эпоса за рубежом.

**SUMMARY**

The article provides a detailed analysis of the main scientific aspects of the Karakalpak epics studied by foreign scholars on the example of the epic "Edige". Also, the role of these comparative-typological studies in the history of study of Karakalpak epics abroad will be determined on the basis of reliable scientific and theoretical facts.


## ИНТЕРВЬЮ ЖАНРИ ТАСНИФИ ТАҲЛИЛИ


**П.Алламбергенова –** *докторант*

*Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети*



**Таянч сўзлар:** интервью, жанр, тасниф, репортёр, журналистика.
**Ключевые слова:** интервью, жанр, классификация, репортёр, журналистика.
**Key words:** interview, genre, classification the reporter journalism.


Журналист фаолияти давомида зарур маълумотларни ҳужжатлар ва бошқа манбалар, албатта, ахборот ташувчи одамлар билан мулоқот қилиш орқали олади. Мулоқотнинг ҳар қандай жараёни савол-жавоб шаклида давом этади. Журналистика фаолиятидаги савол-жавоб илмда интервью деб юритилади. Дастлаб интервьюга қуйидагича таъриф берилган: “Интервью (инглизча interview, интервью — том маънода учрашув, суҳбат) — журналист билан сиёсий, жамоат ёки бошқа давлат арбобининг долзарб мавзудаги суҳбат жараёнидир. Интервью XIX асрда, даврий матбуотнинг жадал ривожланиши даврида, мулоқот ижтимоий аҳамиятга эга маълумотларни асл манбадан (унинг ташувчисидан) олиш усули сифатида кенг тарқалиб кетган даврда журналистиканинг асосий жанрига айланди [1:136-137].

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида интервью жанрининг пайдо бўлиши ўтган асрнинг 20-30 йилларига тўғри келади. 60 йилларда Қорақалпоғистон телевидениесида биринчи монолог